
БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бағдод туманидаги 1-сонли касб-ҳунар мактаби битирувчиларига дипломларини топшириш тадбири ўтказилди.

Тадбирда Бағдод тумани ҳокимининг ўринбосари Қаҳрамон Миртазақулов, мактаб директори Равшанжон Жалоловлар сўзга чиқиб, битирувчиларни табриклаб, уларга улкан муваффақиятлар тилашди ва дипломларни топширишди.

Тадбир давомида битирувчилар ўзларининг ижодий қобилиятларини намойиш этиб, сахна кўринишлари намойиш этишди, ўқитувчиларга ўзларининг миннатдорчиликларини билдиришди.

Маълумот учун: жорий йилда 1-сонли касб-ҳунар мактабини 10 та йўналишда ўқиган 715 нафар йигит-қизлар бошланғич профессионал таълимга эга бўлишди. Уларнинг 10 нафари мактабни қизил диплом билан яқунлашди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати (https://t.me/bagdodim_news)
2024-07-09 19:48:36